



**O`zbekiston Respublikasi Toshkent viloyati
Parkent tumani Hokimining**

Q A R O R I

2017 yil « 29 » ноябрь

№ 2952

Parkent sh.

**Туман ҳокимининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июлдаги “Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тўзилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3142-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 23 ноябрдаги 693-сонли қарорларини бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Туман ҳокимининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 693-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент вилояти ҳокимининг мазкур қароридан келиб чиқиб туман ҳокими ва унинг ўринбосарларининг ўртасида хизмат вазифаларининг тақсимоти ва функционал вазифаларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Паркент тумани ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссияси фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 269-сонли қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талаблари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Шунингдек, қуйидагилар:

туманда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидаи маҳрум бўлган болаларга бериш учун мўлжалланган турар-жойларнинг қатъий ҳисоби олиб борилишини

ҳамда уларни турар-жойлар билан таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг ўз вақтида холисона кўриб чиқилиши, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар-жой берилишида қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари раҳбарлигидаги комиссия ва кенгашлар фаолиятини тўғри ташкил этиш мақсадида Паркент туман ҳокимининг 2017 йил 4 сентябрдаги “Туман ҳокимлиги ҳузурида фаолияти йўлга қўйилган туман комиссиялари, Кенгашлар ва гуруҳлар таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда улар фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2259-сонли қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими

Н.Абдуллаев

Паркент туман ҳокимининг
2017 йил 29 ноябрдаги
2952 - сон қарорига 1-илова

Паркент туман Паркент туман ҳокими ва униинг ўринбосарларининг ўртасида хизмат вазифаларининг тақсимоти ва функционал вазифалари

1. Туман ҳокими

Туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган ваколатларини яқка бошчилик асосида амалга оширади.

Туман ҳокими туманнинг тегишли вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради, Ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош разири, Паркент туман ҳокимлиги ва халқ депутатлари туман Кенгаши олдида ҳисобдордир.

Куйидагилар туман ҳокимининг асосий вазифалари ҳисобланади;

-Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг меъерий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

-жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини ,муҳофаза этиш билан боғлиқ барча чора-тадбирларни кўради. Табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда тегишли ишларни ташкил этади;

- туманни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, туман бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари туман Кенгашининг тасдиғига тақдим этади;

-ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти тизими бўлинмаларининг раҳбарларини тегишли тартибда лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларини халқ депутатлари туман Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

-Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ҳамда Паркент туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда туман ҳокимининг ўринбосарларини, лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади. Ушбу масалага доир қабул қилган қарорларини тегишли Кенгашларнинг тасдиғига киритади;

-туман ҳокимининг қарорларини агар улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қонунларига, Олий Мажлис, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Паркент туман ҳокими қарор ва фармойишларига зид бўлса, бекор қилади ва халқ депутатлари кенгашига халқ депутатлари туман Кенгашининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

-халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокими қабул қилган қарор ва фармойишларини бажармаган ҳолларда мансабдор шахсларни интизомий

жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

-давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни кўриб чиқади ва тақлифлар киритади;

-Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва тақлифларини кўриб чиқади;

-ўзига берилган ваколатлар ва амалдаги қонунлар доирасида вилоятдаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар қабул қилади;

-заруратга қараб, аммо бир йилда камида икки марта халқ депутатлари туман Кенгашининг сессиясини чакиради, сессияларга раислик қилади, кун тартибига киритиладиган масалалар юзасидан тақлифлар беради. Кенгаш қарорларига имзо қўяди ва тасдиқлайди;

-иш фаолияти юзасидан бир йилда бир марта халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот беради.

Қуйидаги туман ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва бирга иш олиб боради:

-Паркент туман прокуратураси;

-Паркент туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти;

-Паркент туман ички ишлар бўлими;

-Паркент туман Мудофаа ишлари бўлими;

-Паркент туман фавқулодда вазиятлар бўлими;

-Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман вакили, ҳомийлик кенгашига раислик қилади.

Туман ҳокими қуйидаги комиссияларга раислик қилади:

-Наркотик моддаларини назорат қилиш Минтақавий комиссияси

-Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияси

-Қасб-хунар коллеж ва академик лицейлар директорлик лавозимига танлов ўтказувчи туман комиссияси

- Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича мувофиқлаштириш туман Кенгаши

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3434-сон Фармонини амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлар Дастурини амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи доимий комиссия

- туман ҳудудида барқарорликни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ишларини мувофиқлаштирувчи доимий комиссия

Туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши қарорлари, Паркент туман ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ, чора- тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Паркент туманининг саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари фаолиятини бошқаради ва Паркент туманини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол муаммоларини хал этиш чораларини кўради.

Мажмуа таркибидаги бўлим, корхона, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Прсиденти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланадиган иқтисодий, ижтимоий ва тадбиркорлик соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини таъминлаш;

туманнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини шу жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, инвестиция, хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси, экспорт, инфляция, бандлик, маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрларини асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва уни самарали ижросини ташкил қилиш, дебитор-кредитор қарздорликларни юзага келишини олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш ва қарздорликни бартараф қилишнинг самарали усулларини жорий этиш;

иқтисодиёт масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, кўмиталар, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини тадбиркор қилиш мақсадида улар билан тижорат банклари ўртасида мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир хонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга ошириш;

тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини узвий ривожлантириши, бунда туман кесимида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни амалга ошириш, инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларни молиявий маблағ ҳамда замонавий технологиялар шаклида жалб қилиш;

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантиришнинг асосий дастурларини, шу жумладан, саноат, инвестиция, маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалигини барча соҳасини, айниқса пахта толасини ва мева-сабзавотни қайта ишлаш, ҳизматлар соҳасини ривожлантириш каби мақсадли дастурларни, кафолатланган молиявий манбааларини аниқлаган ҳолда туманнинг, маҳаллий бюджети параметрлари билан узвий тарзда ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга оширишни таъминлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларининг кафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида корхоналарни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, Республика ва маҳаллий бюджетга тушумлар ҳажмини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджет субвенцияси ҳажмини босқичма-босқич қисқартириш ва бартараф этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бу соҳани индустриялашган тармоққа айлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигининг барча турдаги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишни кескин кенгайтириш учун махсус дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх копьютурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса аҳолининг қишлоқ жойларда ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечириши учун пенсия ва нафақалар, реал даромадларини барқарор ошириш манбааларини яратиш, замонавий банк ва молия инфратузилмасини яратиш ҳисобига нақд пул тўловларини ўз вақтида амалга оширишни янги механизми ва тизимини жорий қилиш;

ҳудуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори кийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган минерал-хомашёни ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга оширади;

саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилишини таъминлайди;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча саноат корхоналарига, бирлашма ва корхоналарнинг моддий-техника базаси мустахкамланишига, саноат корхоналари ривожланишини таъминлаш ишларига раҳбарлик қилади.

саноат ишлаб чиқариши инфратузилмасини ривожлантиришга оид таклифларни кўриб чиқади ва назорат қилади;

ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ва ишлаб чиқариш соҳалари дастурларини ҳамда шаҳар бюджети лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилади;

туман бюджети ижросини таъминлаш борасида барча иқтисодий масалалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодаётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, амалга оширилаётган бозор ислохотларини чуқурлаштиришга, фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга, инновацион ривожланиш; механизмини изчил жорий этишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бандликни, аҳоли даромадлари ўсишини ва ҳаёти даражаси ошишини таъминлаш чораларини кўради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, туман ҳокимининг, бошқа ташкилотларнинг, биринчи навбатда, экспорт тузилмасида юқори кўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада кўпайтириш хисобига экспорт салоҳиятини ошириш бўйича минтақавий дастурларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштириштиради;

маҳаллий маҳсулотларнинг рақобат бардошлилигини ошириш ва уларни жаҳон ҳамда минтақа бозорларига киритиш, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишнинг кўпайтарилишини рағбатлантириш ва маҳсулотларнинг таркибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ҳудудий инвестиция дастурлари амалга оширилишини, янги ишлаб чиқаришларни куриш ва ўз вақтида ишга тушириш ҳамда ишлаётган ишлаб чиқаришларни модернизациялашни таъминлаш, шунингдек уларни амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини фаол бажаришни ташкил этади;

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталларидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш хисобига вилоят иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини ошириш чораларини кўради;

туман иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўртача ва узок муддатли дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашади;

ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича аниқ, чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш чораларини кўради;

қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, хусусий мулкнинг манфаатларини, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш чора-

тадбирларини амалга оширади;

иктисодиётда ва ижтимоий соҳада ислохотларнинг стратегик вазифаларига ва устувор йўналишларига мувофиқ илмий ва технологик салоҳиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланиш чораларини кўради;

истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пулли хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

чакана ва улгуржи савдони, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишнинг янги шакллари ва усулларини кенг жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

Паркент туман ҳокимлиги тармоқ мажмуалари ўртасидаги хўжалик-шартномавий ва кредит-молиявий муносабатларни мувофиқлаштиради. Туманнинг кредит ва валюта ресурсларини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан уларни сарф этилиши устидан назоратни амалга оширади;

соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш борасида давлат статистикасининг ишончилигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради;

ташқи иқтисодий алоқалар борасидаги фаолиятни кенгайтиришга, инвестицияларни жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишга имконият яратади;

қимматбаҳо қоғозлар бозорида корхоналар акциялар пакетларини сотиш ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди;

туманга ташриф буюрган олий мартабадаги расмий делегацияларни кутиб, олиш ва кўзатиш билан боғлиқ бўлган маросимларни ташкил этишда иштирок этади;

савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, бозорни халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишни яхшилаш каби масалалар билан шуғулланади;

туман ҳудудида жойлашган дехқон ва буюм бозорларининг ишни такомиллаштириш, ривожлантириш юзасидан ташкилий-услубий тадбирларни амалга оширади. Мажмуа тасарруфидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади;

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қуйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда республика ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади;

мажмуага қарашли раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади. Захирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади;

туман ҳокими қарори ва фармойишлари лойihalарини келишиш учун имзолайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Ресубликаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Ресубликаси ҳукумат органларида туман ҳокимлиги номидан вакиллик қилади.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

- Туман ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича бўлими;

- Туман ҳокимлиги тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи;

- Туман ҳокимлиги молия бўлими;

- Туман Давлат солиқ инспекцияси;

- Туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими;

- Туман статистика бўлими;

- Тумандаги тижорат банклари;

- Туман бандликка кўмаклашиш маркази;

- “Паркент Дехқон бозори” МЧЖ;

- “Туман Маиший хизмат” уюшмаси;

- туман давлат мулкани ижарага бериш маркази давлат корхонаси;

-Мулкчилик шаклидаги катъий назар барча банклар, суғурта корхоналарининг туман бўлимлари ва филиаллари;

-Туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона дарча марказлари;

Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

-Ўзбекистон Ресубликаси Молия бошқармасининг туман ғазначилик бўлими;

-Ўзбекистон Ресубликаси Молия бошқармасининг туман назорат-тафтиш бўлими;

-Ўзбекистон Ресубликаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман бўлими;

-туман тадбиркорликка кўмаклашиш маркази;

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

-туман пул-кредит сиёсати комиссияси;

-Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш бўйича комиссияси;

-Молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган

корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссияси;

-Маҳаллий хом-ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш комплекс дастурини амалга ошириш масалалари бўйича туман махсус комиссияси;

-Экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи туман Кенгаши;

Ш. Туман ҳокимининг туман инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва тошпириқлари, халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши қарорлари, Паркент туман ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натажали амалга оширилишини таъмилашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Паркент туманининг инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуанинг фаолиятини бошқаради ҳамда мажмуа таркибидаги бўлим, корхона, идора ва ташкилотлар раҳбарлари билан қуйидаги асосий йўналишларда асосий вазифаларни амалга оширади. Хусусан,

1. Аҳолининг эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида туман инфратузилмаси, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалаларини ривожлантириш бўйича қисқа ва узок муддатли дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш соҳасида:

-туманда истиқомат қилаётган аҳолини жойлашган жойи, демографияси, ижтимоий қатламини таҳлил қилиш ҳамда аҳолининг эҳтиёжлари ва талабларини ўрганиш асосида “Намунавий маҳалла”ларни реконструкция қилиш ва замонавий янги даҳаларни барпо этиш бош режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

-тумандаги ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳамда замонавий кўринишдаги янгиларини қуриш бўйича ишлаб чиқиладиган Инвестиция дастурларини шакллантиришда таклифлар киритиш ва иштирок этиш;

-туманни иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатишларни жорий этиш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурларни шакллантиришда иштирок этиш, туманни иқтисодий-ижтимоий ривожлаштиришнинг истиқбол муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш.

2. Туманда транспорт хизматини яхшилаш, олиб бориладиган қурилишлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, замонавий тежамкор технологиялар билан жихозлаш тадбирларини амалга ошириш соҳасида:

-туманда транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, йўловчи ташиш транспорти фаолиятини бошқаришни мувофиқлаштириш, транспорт соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва транспортдан фойдаланиш соҳасида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини мувофиқлаштириш;

-туманнинг муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

-туманда, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, туманнинг маъмурий қурилишларининг меъморий кўриниши ва қайта қурилиш бош режасини, қурилишларда бунёдкорлик дастурлари, унинг муҳандислик инфраструктураларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, шунингдек, ер ва шаҳарсозлик давлат кадастрларини шакллантириш ва юритиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаш;

-туманда олиб борилаётган қурилишлар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга оширишда пудрат ва лойиҳа ишларига бўлган давлат буюртмаларини тендер савдоларида жойлаштириш, шунингдек унинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

-тумандаги пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни моддий-техника таъминоти ва маблағ билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш, шунингдек, қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатини етакчи мамлакатларнинг замонавий технологиялар билан қайта жихозлаш ва модернизациялаш ҳамда импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган қурилиш материаллари бозорини шакллантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

3. Тумандаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат-қилиш соҳасида.

-кўп қаватли уй-жойларга кўрсатилаётган коммунал хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ҳар томонлама яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

-уй-жой фонди, коммунал ва ёкилғи-энергетика хўжалигини ривожлантириш, улардан фойдаланиш тармоқлараро ва идоралараро бошқаруви масалалари билан шуғулланиш ва энергетика мажмуасини мувофиқлаштириш;

-тумандаги истеъмолчиларни узлуксиз электр ва иссиқлик энергиялари, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш, шунингдек, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва санитария жихатидан тозалаш тизимини яхшилаш, канализация тармоқларидан фойдаланишнинг яхшилانган ягона тизимининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва унинг бажарилиши назоратини олиб бориш;

-тумандаги аҳоли пунктларини ободонлаштириш, атроф муҳитни кўркамлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади;

-кўрсатилаётган уй-жой коммунал хизматлар даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Мажмуа тизимидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади, мажмуа тизимидаги ташкилот ва идораларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш бўйича туман ҳокими, юқори ташкилотлар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш.

Халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши ва Паркент туман ҳокимининг мажмуа фаолиятига оид қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди.

Ҳокимнинг қабул қиладиган қарор, фармойиш ва ҳужжатлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва сифатли тайёрлашда бошқа мажмуалар билан ҳамкорликни олиб боради.

Тасарруфидаги мажмуа ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш.

Ўз йўналишига тааллуқли муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳокимга такдим этиб бориш.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида туман ҳокимлиги номидаи вакиллик қилади.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқдаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

-Туман инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуаси;

-туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими;

-“Паркент электр тармоқлари” акциядорлик жамияти;

-“Паркенттумангазтаъминот” унитар корхонаси;

-Туман “Сувоқова” давлат унитар корхонаси;

-“Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси;

-Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси.

Шунингдек, туман инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуасига оид масалаларда:

-Туман архитектура ва қурилиш бўлими;

-“Паркент АТС” МЧЖ;

- Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментининг туман вакили;

-“Автомагистраль” ихтисослашган йўл қуриш-таъмирлаш давлат бўлими;

-“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Паркент туман телекомунациялар боғланмаси;

Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

-туман ҳокимлигининг капитал қурилиш ва коммуникациялар масалалари мажмуаси;

-Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бўлими;

-Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг тумандаги тегишли бўлими;

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

-Уй-жой коммунал хўжалигида ислохотларни олиб бориш Дастурининг бажарилиши ва тарифларни ўсиши ёки камайиши бўйича мониторинг ўтказувчи туман комиссияси;

-Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи;

IV. Туман ҳокимининг капитал қурилиш ва коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши қарорлари, Паркент туман ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Паркент туманининг капитал қурилиш ва коммуникациялар масалалари фаолиятини бошқаради.

Мажмуа таркибидаги бўлим, корхона, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

капитал қурилишни ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга оширади;

пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

қурилиш индустриясини ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш чораларини кўради;

муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича чоралар кўради;

капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қурилиш

субъектлари ўртасида бозор муносабатларини жорий этиш, пудрат, лойиха ишлари ва қурилиш материаллари бозорини шакллантириш бўйича чоратадбирларни амалга оширади;

Паркент туманида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил этиш, халқаро стандартларни қўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш чораларини кўради;

Туманнинг меъморий кўриниш ва қурилиш соҳасидаги ягона сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди.

Паркент туманининг маъмурий қурилиши ва қайта қурилиши бош режасини, Паркент туман ривожининг дастури, унинг муҳандислик инфраструктураларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилади.

Қурилиш маҳсулотлари ва қурилиш сифатини назорат қилувчи давлат ва идоравий органларнинг ишини мувофиқлаштиради.

Паркент туман қурилиши ва меъморчиликнинг сифат даражасига бўлган замонавий талабларга амал қилиниши, капитал тушумларнинг самарасини кўтариш билан бирга инвестиция жараёни муддатларини қисқартириш назоратини таъминлайди.

Капитал қурилиш ва бинокорлик материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишни назорат қилиб боради.

Капитал қурилишни моддий-техника таъминоти ва уларни маблағ билан таъминлаш масалаларини ҳал қилади.

Давлат органларида, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза ва самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

Капитал қурилиш иншоотларини молиявий таъминоти учун ажратиладиган пул маблағлари харажатини назорат қилиш ишларини мувофиқлаштиради.

Қабул хайъатларининг иши, таркиби масалаларини кўриб чиқиб, алоҳида иншоотлар бўйича хайъат ишида қатнашади.

Қурилиш комплексида пудрат, лойиха ишларига бўлган давлат буюртмасини тендер асосида жойлаштиришни, шунингдек унинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди.

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чоратадбирларни бажаришда вилоят ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш;

Паркент туман ҳокими қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик

шахсларнинг вакиллари қабул қилади.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида туман ҳокимлиги номидан вакиллик қилади.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

-Туман ҳокимлиги капитал қурилиш ва коммуникациялар масалалари бўйича мажмуаси:

- туман архитектура ва қурилиш бўлими;
- Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси;
- “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Паркенттелеком” филиали;
- туман ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти;
- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш қўмитаси Паркент туман ҳудудий бўлими;
- Туман “Компьютерлаштириш маркази” ДУК;

Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

- Туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими;
- туман фавқулодда вазиятлар бўлими;
- Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш туман бўлими;

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича туман мувофиқлаштириш комиссияси;
- Туман ҳудудида шаҳар атрофи ва туманаро (туман ичида) йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси;
- Туман қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш бўйича тузилган дастурнинг бажарилишини назорат қилиш комиссияси;
- Туман жисмоний ва юридик шахсларга ер қонунчилиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида ер участкаларини бериш амалиётини ўрганиш бўйича доимий ишловчи комиссияси;
- Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ёнғин ҳавфсизлиги бўйича комиссияси;
- Туман ҳудудида йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш комиссияси;
- Тошқин сувлари ва сел оқимларини ҳавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиш ва ер кўчки ходисалари ҳавфини камайтириш бўйича туман комиссияси.

V. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши қарорлари, Паркент туман ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Туманнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари фаолиятини бошқаради.

Мажмуа таркибидаги корхона, бўлим, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартиришни таъминлайди;

деҳқончилик ва агротехнологияларнинг илғор усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларининг ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилишини мувофиқлаштиради;

қишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш, ушбу соҳаларга ташқи ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўради;

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, хайвонларни сунъий уруғлантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ишларини ташкил этади;

ипакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори маҳсулдор тут ипак қуртини етиштириш, тирик пилла етиштиришни кўпайтиради;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг сақланиши таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қишлоқ ва Сув хўжалиги корхоналарига, бирлашма ва корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишига, Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари ривожланишини

таъминлаш ишларига раҳбарлик қилади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришга оид таклифларни кўриб чиқади ва назорат қилади;

аросаноат комплекси соҳасига оид бўлим ва ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш, бу борада тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш, хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш;

агросаноат комплекси тизимидаги бўлим ва ташкилотларнинг тартиб ва меҳнат интизомига риоя қилишини таъминлаш;

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чоратадбирларни бажаришда вилоят ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш;

мажмуага қарашли раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади. Заҳирага киратилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади;

ҳокимнинг қабул қиладиган қарор, фармойиш ва ҳужжатларини лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва сифатли тайёрлашда Паркент туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими билан ҳамкорлик олиб боради;

Туман ҳокими қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди.

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида туман ҳокимлиги номидан вакиллик қилади.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

Туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича мажмуаси;

-Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими;

-Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими;

-“Чирчик-Охангарон” ирригация тизимлари хавза бўлими ва унга қарашли тизим ташкилотлари;

-“Паркентдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти;

-“Тошкент Агросервис МТП” масъулияти чекланган жамияти туман бўлими;

-Туман “Агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамияти;

-Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман Кенгаши;

-Чорвачиликда наслчилик ишлари туман инспекцияси;

-Туман Давлат ветеринария бўлими;

- Туман экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлими;
- “Давтехназорат” инспекциясининг туман бўлими;
- Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси;
- “Угом-Чотқол” Давлат табиат миллий боғи ва унга қаршли давлат ўрмон хўжаликлари;
- “Паркент озуқа ем таъминоти” масъулияти чекланган жамияти;
- “Ғалла Алтег” акциядорлик жамияти;
- “Ўзгидромет” маркази туман бўйича бўлими;
- “Ўздонинспекцияси” туман бўлими;

Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

- “Ўздонмахсулот” акциядорлик жамияти;
- “Тошкент агрокимёхимоя” акциядорлик жамияти;
- мажмуа фаолияти билан боғлиқ бошқа бошқарма ва идоралар;

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Қишлоқ хўжалигида иқтисодий-ислохотларни чуқурлаштириш туман комиссияси;
- туманда ер учатсткаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун (реализация қилиш) танлаш ва ажратиш бўйича доимий ишловчи комиссияси.

VI. Туман ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

Паркент туман ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (кейинги ўринларда - ўринбосар) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари туман Кенгашининг ва туман ҳокимининг ҳужжатларига амал қилади.

Қуйидагилар ўринбосарнинг асосий вазифалари ҳисобланади;

-худудда туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳага доир қабул қилинган концепция ва дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш;

-тегишли худудларда туризм соҳасидаги асосий вазифалар ва туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

-туризм соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

-туристлар (экскурсантлар)га тегишли худудлардаги туристик ресурслардан самарали фойдаланиш, шунингдек тиббий, ҳуқуқий ва бошқа

турдаги фавқуллодда ёрдам олиш учун қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлаш;

-туризм соҳасида турли тадбирлар (фестиваллар, сайллар, театрлаштирилган томошалар, кўрғазмалар, анжуманлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш;

-чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса, туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

-соҳани чуқур таҳлил қилиш асосида туристик хизматларга бўлган талабни ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқларни аниқлаш, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқ механизмларини ишлаб чиқиш ва келгуси режаларни белгилаш;

-туризм соҳасининг иқтисодий, экологик, ижтимоий, маданий ва бошқа йўналишлардаги инфратузилмасини такомиллаштириш ва туризм йўналишидаги диққатга сазовор жойлар, уларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш;

-кўшимча сайёхлик ташриф объектлари, кўнгилочар комплекслар барпо этиш бўйича чоралар кўриш, маданий мерос объектларида халқимизнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган экспозицияларни ташкил этиш;

-туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш;

-тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда туризм соҳасидаги лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш;

-туризмни ривожлантириш бўйича масъул вазирлик, идора ва кўмиталарнинг, ҳудудий бўлимларининг иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

-туризм соҳасига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини жалб этиш, хорижий туроператорлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш орқали республиканинг мавжуд сайёхлик салоҳиятини кенг ёритиш чораларини кўриш;

-туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, туризм хизматларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, чет мамлакатлардаги туризм марказларида нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги хизмат ва маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни экспорт қилинишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-маданий-таништирув мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун экскурсия ва саёхатлар ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш;

-юртимизда ва чет эл мамлакатларида бўлиб ўтадиган миллий ва халқаро туризм ярмаркаларида мунтазам равишда фаол иштирок этиш йўли билан ҳудуднинг ижобий қиёфасини шакллантириш;

-чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса, туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

-туманга чегарадош туманлар, ҳудудида жойлашган туризм объектларига

ташриф буюрувчи туристлар оқимини туманга жалб қилишга доир ҳамкорлик тадбирларини амалга ошириш;

-жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилишни ташкил этиш, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқиш;

-тегишли ҳудудларда туризм ахборот марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритишини таъминлаш ва бошқалар.

Ўринбосар туман ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари мажмуасига раҳбарлик қилади.

Ўринбосар туризмнинг ривожлантириш давлат қўмитасининг туман ҳудудий бўлими фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этади.

Ўринбосар унга юклатилган вазифалар доирасида (туризмни ривожлантиришга оид масалаларида) қуйидаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этади:

-Туман маданият бўлими;

-Туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими;

-Туман экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш бўлими;

-Туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими;

-Туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази;

-Туман Давлат солиқ инспекцияси;

-туман Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази;

-тумандаги тижорат банклари;

-Тумандаги туризм соҳаси субъектлари (меҳмонхоналар, туроператорлар, турагентлар, ҳамроҳ-таржимонлар, умумий овқатланиш шохобчалари ва б.);

-Туман телерадиокомпанияси (туризмни ривожлантириш масласида);

-Туман “Хунарманд” уюшмаси;

-“Угом-Чотқол” Давлат табиат миллий боғи

-Тумандаги касаба уюшмалари ташкилотлари;

-бошқа туризм инфратузилмасини шакллантиришда ва туристларга хизмат кўрсатишда иштирок этувчи ташкилотлар.

Шунингдек, ўринбосар халқ депутатлари туман Кенгаши тегишли доимий комиссиялари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Ўринбосар фаолияти туризмни ривожлантириш билан боғлиқ комиссия ва кенгашларга раислик ҳамда тегишли ишчи гуруҳларга раҳбарлик қилади.

Ўринбосар ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Туман ҳокимининг кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, туман ҳокимлиги, шунингдек бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Туманда туризмни ривожлантириш, ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, туманга ташриф буюриши кутилаётган сайёҳларга қулай шароитлар яратиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли асосда ҳамда ўз вақтида бартараф этиш учун жавоб беради.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида Паркент туман ҳокимлиги номидан вакиллик қилади.

VII. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатларн Паркент туман Кенгаши қарорлари, Паркент туман ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Паркент туманида ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар мажмуа фаолиятини бошқаради.

Мажмуа тизимидаги бўлим, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда мувофиқлаштиришни таъминлайди.

1. Ёшлар сиёсати соҳасида:

ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаган шахслар, хусусан, таълим билан қамраб олинган ёшлар, уюлмаган ёшлар, ёш мутахассислар, тадбиркор ёшлар, ёш фермерлар, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касбга йўналтариш ва уларни кейинчалик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида ўқиш билан тўлиқ қамраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

академик лицейлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, уларни ҳудудлар кесимида оптимал жойлаштириш, истеъдодли ёшларни қамраб олиш, ўқув жараёни сифатини ошириш;

олий таълим йўналишлари ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича оптимал тақсимооти юзасидан асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш, битирувчиларни чуқур профессионал билимларга эга бўлишларига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим тизимининг барча босқичларида ўқув жараёни сифатини, ўқувчи-талабаларнинг давоматини таъминлаш юзасидан аниқ чораларни кўриш ва назорат қилиш, бу борада таълим муассасаси, маҳалла, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари, профилактика инспекторлари ва ота-оналарни ўзаро ҳамкорликдаги ишларини мувофиқлаштариш;

аҳоли, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий

адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш,

“оммавий маданият”нинг кўринишларига қарши маънавий профилактика ишларига раҳбарлик қилиш;

таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларига, компьютер технолгиялари ва интернет-ресурсларидан фойдаланишнинг илғор кўникмаларига ўргатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича уларнинг мулохазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш, турли тўғарақларга, шу жумладан, болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига қамраб олиш ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда юксак маънавиятини қарор топтириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар тарбияси масаласида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтиришга, баркамол авлодни тарбиясида “оила маҳалла таълим муассасаси” ҳамкорлик концепциясини амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

уюлмаган ёшларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари, муассасалар ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш;

уюлмаган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун уларнинг эҳтиёжини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва баҳолаш, касбга ўргатиш, ишга жойлаштириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторингини ташкил этиш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган махсус дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминланишига доир дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, кам таъминланган ёш оилаларга

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чораларини кўриш.

Ҳар томонлама камол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ишларини тегишли берилган ваколат доирасида таъминлайди;

Ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни тегишли масъул идоралар билан ҳамкорликда ташкил этади;

Ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига кўмаклашади;

иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратилишида иштирок этади;

болалар ва ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, жисмоний соғлом ва ёш авлодни шакллантириш, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган жихозлар ва ускуналар билан таъминлаш чораларини кўради;

2. Ижтимоий ривожлантириш соҳасида:

аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, хаёт ва меҳнат фаолияти, малакали тиббий ёрдам олиш, маданий мерослардан баҳраманд бўлиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, дам олишини ташкил этиш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ҳамда сифат жихатдан янги даражага кўтариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида ҳудудларда ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини мониторинг қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдамни кўрсатиш, соғлиқни сақлаш муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жихозлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш;

қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон ва бутун оила даражасида энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва даволаш жараёнини ташкил этиш, оилаларни патронаж тизими билан тўлиқ қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини, шу жумладан соғлом овқатланишни тарғиб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш, туғма ва ирсий касалликларни олдини олиш, ривожланиш нуқсони бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация

қилиш сифатини ошириш, уларнинг жамият хаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

аҳолига ташхис қўйишнинг замонавий усулларини жорий этиш ва юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтириш, Жаҳон стандартлари даражасидаги энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли усулларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган тадбирлар ижросини таъминлаш;

аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонида ишлаб чиқарилган сифатли дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминот даражасини ошириш, маҳаллий фармацевтика саноатига инвестициялар киритиш учун чет эл етакчи компаниялари ва инвесторларини жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, оналар ва болалар соғлиги муҳофазасини таъминлаш, қишлоқ врачлик пунктларининг, диагностика, перинатал ва скрининг-марказларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустахкамлаш чораларини кўриш;

спорт соҳасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, спортни оммавийлигини ошириш, қизлар ўртасида спортни ривожлантириш, барча ҳудудлар айниқса энг чекка қишлоқларда халқаро талабларга жавоб берадиган моддий-техник базага эга замонавий спорт иншоотларини барпо этиш;

аҳолининг турмуш маданиятини, хаёт сифатини оширишга қаратилган таълим, дам олиш ва хордиқ чиқариш бандлик, маиший хизматлар кўрсатиш, маданият, санъат ва спорт соҳалари муассасаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг тинч осойишта хаётимизни асраш ва мустахкамлашга қаратилган вазифалар ижросини мувофиқлаштириш.

3. Маънавий-маърифий ишлар соҳасида:

аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари ахамиятининг тарғибот ва ташвиқотини ташкил қилиш;

аҳолининг маънавий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш асосида ҳудудда маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, ташкилий-хуқуқий шаклидан катъи назар барча ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш;

аҳолининг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, маънавий-маърифий меросни, урф-одат ва қадриятларни сақлаш, тарғиб қилиш ишларига раҳбарлик қилиш;

туманда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустахкамлашга қаратилган оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, тадбирларнинг мақсадли, режали, тартибли ташкил этиш ва тарбиявий самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

туманда жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, одамларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий имунатетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга хурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик хиссини кучайтиришга қаратилган самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

аҳоли орасида диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” таҳдидларидан огоҳ қилишга қаратилган профилактик маърифий, тарбиявий чора-тадбирларга раҳбарлик қилиш;

аҳоли орасида меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, мурувват ва химмат, инсофу диёнат, виждонийлик, аҳиллик ва тотувлик, фидойилик, ватанпарварлик, олижаноблик бошқа фазилатларни тарғиб қилиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

мамлакатда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ҳудудда ташкил этиладиган чора-тадбирлар мазмуни, самарадорлигини таҳлил қилиш, соҳаларнинг тизимли фаолиятини ташкил қилиш.

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтариш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни тегишли идоралар ишини мувофиқлаштириб амалга оширади;

демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий масалаларни ҳал этишда маҳалла институтининг аҳамияти тўғрисида аҳолини, айниқса ёшларни кенг хабардор қилиш, шунингдек энг аввало, камол топаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексаларга ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига манзилли ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, одамларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштиришда маҳаллаларнинг фаолиятини ҳар томонлама ёритиш бўйича тизимли ишларни оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ташкил этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг самарали фаолиятини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йиғинларига қонунчиликда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этади;

фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек

давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ҳудудий тузилмаларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик, амалий ва моддий-техник ёрдам кўрсатиш соҳаларида кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни мунтазам ташкил этиш, фуқаролар йиғинлари раиси ва унинг маслахатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига давлат органларининг кўмаклашишини таъминлаш, зарур ҳолларда уларни хоналар, транспорт воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш ишларни ташкил этади;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини ҳамда масъул идоралар томонидан оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан фаолиятини мувофиқлаштиради;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнига халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим стандартларини жорий этиш ишларини амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жихозлаш ҳамда шу асосда таълим тизимини ислох қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

маданият ва санъатни ривожлантириш, миллий маданий ва маънавий меросни эҳтиётлаб асраш ва кўпайтириш, аҳолининг маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш, шунингдек маданият, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида туманда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериш учун мўлжалланган турар-жойларнинг қатъий ҳисоби олиб борилишини ҳамда уларни турар-жойлар билан таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг ўз вақтида ҳолисона кўриб чиқилиши, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар-жой берилишида қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

бандлик ва аҳолининг ижтимоий таъминотини ташкил этиш;

туманда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш (яъни ҳамкорлик қилиш), ахборот таҳлил гуруҳи билан биргаликда даврий нашрларга обунани ташкил этиш;

мажмуа тизимида кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-

жойига кўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чоратadbирларни бажаришда вилоят ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш;

мажмуа тизимидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидаи таклифлар киритади. Заҳирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади.

Паркент тумани ҳокимининг мажмуа фаолиятига оид қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди.

Ҳокимнинг қабул қиладиган қарор, фармойиш ва хужжатларини лойиҳаларини сифатли тайёрлашда ахборот-тахлил гуруҳи билан ҳамкорлик олиб боради;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмолий ва: юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида Паркент туман ҳокимлиги номидан вакиллик қилади.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

-Туман ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуаси;

-Туман халқ таълими бўлими;

-Туман мактабгача таълим бошқармаси;

-Тумандаги касб-ҳунар коллежлари;

-Туман тиббиёт бирлашмаси бўлими;

-Туман давлат санитария эпидемиология назорати маркази;

-Туман маданият бўлими;

-Туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими;

-Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман вакили;

-Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши;

-Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими;

-Паркент туман архив иши бўлими;

-“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти туман филиали;

-“Паркент тонги” газетаси;

-Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти туман Кенгаши;

-“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси туман филиали;

-Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Паркент туман ҳудудий бирлашмаси ва бошқа нодавлат ташкилотлар билан;

-Мажмуа фаолиятига алоқадор бўлган бошқа ҳамкор ташкилотлар билан.

Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

-Туман ички ишлар бўлими;

- Тошкент вилояти Маданият бошқармаси;
- Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси туман вакили;
- Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши;
- Вилоят Халқ таълими бошқармаси;
- Вилоят Мактабгача таълими бошқармаси;
- Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси;
- Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси;
- Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтнинг Тошкент вилоят бўлинмаси;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тошкент вилоятидаги илмий-текшириш институтлари;

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Туманда оммавий тадбирларни назорат қилувчи комиссияси;
- Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жихатдан ва ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссия;
- Фавқулодда эпидемияга қарши кураш туман комиссияси;
- Харбий ва муқобил хизматга чақирув ҳамда Куролли кучлар сафидан бўшатирилганларни ишга жойлаштириш комиссияси;
- “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш ва топономик объектларга ном бериш туман комиссияси;
- ОИВ инфекциясини тарқалишига қарши курашиш тадбирларини мувофиқлаштириш туман комиссияси;
- Маънавиятни соғломлаштириш тадбирларини мониторинг қилиш ва ўтказиш комиссияси;
- Туман ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссияси;
- Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича туман мувофиқлаштирувчи гуруҳи.

VIII. Туман ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа Қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши қарорлари, Паркент туман ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ, чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Паркент туманида жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича фаолиятини бошқаради;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ

ижтимоий ва диний масалаларни ҳал этишда давлат сиёсатини олиб боради;

давлат органларининг Паркент туманида жойлашган жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш чораларини кўради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг манфаатларини ҳисобга олиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилади;

“Хаж” ва “Умра” тадбирларини ўтказишда маҳаллий давлат, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

маънавий ва миллий кадриятларга, халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашиш, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди;

миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор топтиришга, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва тақдирлаш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг минтақавий тузилмалари фаолиятига кўмаклашади;

Тошкент вилоятида дин билан боғлиқ аҳвол, миллатлараро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни мунтазам ўрганиш, уларни янада соғломлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

диний ташкилотлар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, миллий маданият марказлари ва дўстлик жамиятларининг ҳудудий тузилмалари томонидан Низомда белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишига кўмаклашади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

маънавий-маърифий йўналишда тарғибот ишларини ташкил этишда ҳамкорлик қилади;

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда вилоят ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади;

диний экстремизм ва миссионерлик фаолияти ғояларининг тарқалишига қарши тушунтириш ҳамда профилактика ишларини ташкил этишни мувофиқлаштирадц;

мажмуага қарашли раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан тақлифлар киритади. Захирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади;

туман ҳокими қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида туман ҳокимлигидан вакиллик қилади.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташиқил этади:

Туман ҳокимлиги жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича мажмуаси;

- Тумандаги касаба уюшмалари ташкилотлари Кенгаши;
- Туман “Нуроний” жамғармаси бошқарув Кенгаши;
- Республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими;

Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

- Туманда жойлашган барча жомъе масжидлар;
- Нодавлат нотижорат ташкилотлар;
- Сиёсий партияларнинг туман Кенгашлари;
- Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг тумандаги бўлимлари;
- Мажмуа фаолиятига тааллуқли масала бўйича бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари.

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташиқил этади

-Туманда муборак “Хаж” ва “Умра” зиёратига бориш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия

IX. Туман ҳокимининг ўринбосари хотин-қизлар кўмитаси раиси

Паркент туман ҳокимининг ўринбосари Хотин-қизлар кўмитаси раиси (кейинги ўринларда Туман ҳокимининг ўринбосари деб аталади) фаолияти Ўзбекистон Республикаси Преидентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида” 2016 йил 14 декабрдаги ПҚ-2679-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 сентябрдаги қарорларига мувофиқ функционал вазифалари билан белгиланади.

Туман ҳокими ўринбосари туман ҳокимига ҳисобот беради.

Туман ҳокими ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Паркент туман ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига амал қилади.

Туман ҳокими ўринбосарининг фаолияти хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга, аёлларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган.

Туман ҳокими ўринбосари мақомига кўра Паркент туман ҳокимилигининг Бошқарув аппарати таркибига киради.

Туман ҳокими ўринбосари Паркент туман ҳокимининг йиғилишларида иштирок этади.

Туман ҳокими ўринбосарининг вазифалари ва функционал мажбуриятлари

Қуйидагилар туман ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш соҳасида:

хотин-қизлар мақомини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, оилада ва жамиятда ҳуқуқий маданиятини, ролини ошириш;

давлат ва жамоатчилик органларини жалб этган ҳолда ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб ҳаётий шароитлар яратиш соҳасида комплекс тадбирларни амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

хотин-қизлар масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш ва тушунтиришда, уларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш;

қизларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рағбатлантириш, талантли, иқтидорли қизлар захираси билан тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш;

амалий ишларда тажрибага эга бўлган ташаббускор қизлар орасидан кадрлар захирасини шакллантириш ва тегишли раҳбарлик лавозимларига уларнинг номзодларини тавсия этиш тизимини йўлга қўйиш;

хотин-қизларнинг нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш, уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги фаол иштирокига кўмаклашиш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириш;

хотин-қизлар кўмиталари ва фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини, уларнинг

оилаларини муҳофаза қилиш ишларида ижтимоий шерикликни кенгайтириш, хотин-қизларга манзилли ижтимоий ёрдам бериш бўйича ишларни ташкил этиш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, турли лойиҳаларни амалга ошириш кўламларини кенгайтириш;

б) оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш соҳасида:

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлашда фаол қатнашиш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

хотин-қизлар, энг аввало, оналар ва болаларнинг соғлиги муҳофаза қилинишини таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш муҳитини, турмуш маданиятини шакллантириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш, патронат тизимини ривожлантириш ишларини такомиллаштириш;

оилавий ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш, уларни оммалаштириш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизларнинг ҳамда жамиятда ҳурматга ва катта нуфузга эга бўлган кексаларнинг ҳаётий тажрибасини фаол жалб этган ҳолда оилавий ажралишларни бартараф этиш бўйича ишларни ташкил этиш, намунали оилаларнинг ҳаётий намунасини тарғиб қилиш;

оилавий муносабатларни соғломлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, никоҳ шартномаларининг хусусиятлари ва шартлари, фарзандлар тарбияси учун ота-оналарнинг бевосита масъулияти, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ тизимли тарғибот тадбирларини йўлга қўйиш;

маҳаллаларда аёллар ва болалар иштирокида маънавиятни ошириш, уларни “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан, миллий онгимизга хос бўлмаган диний сепаратизм, экстремизм ва терроризм, одамлар савдоси ва бошқа ёт ғоялардан муҳофаза қилиш;

хар томонлама камол топаётган ёш авлодни ватанпарварлик, бағрикенглик, эртанги кунга ишонч ва атрофда содир бўлаётган ходисаларга дахлдорлик руҳида тарбиялаш, ёшларнинг мустақил дунёқарашини, кучли ички салоҳиятини, миллий фахрланиш туйғусини ва ахлоқий-маънавий иммунитетини шакллантириш;

в) хотин-қизларни ишга жойлаштириш, уларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида:

бандлик дастури доирасида хотин-қизларни, айниқса касб-ҳунар коллежлари, битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, улар бандлигининг сифати, доимий иш ўрни билан таъминланганлиги юзасидан амалий назоратни йўлга қўйиш;

хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича ишларнинг

хोलатини ўрганиш ва назорат қилиш, норасмий иш билан бандликнинг олдини олиш, меҳнат муносабатлари, шу жумладан хомиладор аёлларга ҳамда кичик ёшдаги болалари бўлган ёшларга қўшимча имтиёзлар беришда давлат ва нодавлат ташкилотларининг мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

тадбиркорлик фаолиятга билан шуғулланишни хоҳлайдиган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратишда кўмаклашиш, берилган имтиёзларни тўғри қўлланиш масалаларини тартибга солувчи, давлат рўйхатидан ва бошқа тартиботлардан ўтиш, меҳнат муносабатларига киришиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари юзасидан тушунтиришлар олишда уларга ёрдам бериш.

Туман ҳокими ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

туман ҳокими ўринбосарлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Туман ҳокимининг топшириқларига биноан вилоятнинг тегишли ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифалари ва дастурлари бажарилишини мувофиқлаштириб боради;

Туман ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича мажмуасига бевосита раҳбарлик қилади;

мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар, шунингдек ҳудудлар ва бошқа ташкилотларнинг ўзи мутасаддилик қиладиган масалалар бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

мутасаддилик қилинадиган ташкилотлардаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчилари номенклатурасига кирадиган лавозимларга номзодлар бўйича таклифларни Паркент туман ҳокими билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда киритади;

Туман ҳокими ўринбосари юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича Паркент туман ҳокимлигига киритилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларига қатъий риоя этилишини таъминлайди, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши юзасидаи тизимли назорат ташкил этилишини таъминлайди;

Туман ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларининг экспертизадан ўтказилишини ва сифатли тайёрланишини ташкил этиш масалаларида туман ҳокимлигининг регламентига мувофиқ тегишли туман ҳокими ўринбосарлари билан ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, ҳукумат қарорларининг, туман ҳокими қарорлари, фармойишлар ва топшириқларининг корхона ва ташкилотлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидаи бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

Туман ҳокимлигининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассиси лавозимига кадрлар танлашни Ташкилий -назорат гуруҳи билан биргаликда амалга оширади;

Мажмуа мудирини қайта тайёрлаш, унинг малакасини ошириш, уни рағбатлантириш ҳамда унга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритади;

Туман ҳокимлигининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассисга кадрлар захирасини шакллантириш ишларини тизимли асосда ташкил қилади.

туман ҳокими бошқарадиган комплексга тегишли комиссия фаолияти ташкил этилишини ва унинг қарорлари бажарилишини назорат қилади, шунингдек тегишли комиссияларга раҳбарлик қилади.

Туман ҳокими ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

Туман ҳокими ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Туман ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни бўлим ва ташкилотлардан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб ва олиш;

Бўлим, корхона ва ташкилотлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш.

мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар коллегиял органларининг мажлисларида, шунингдек Туман ҳокимининг топшиқлари бўйича-давлат органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларининг туман ҳокими ўринбосари юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислар ва йиғилишларида қатнашиш;

бўлим, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари-туман ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар тўзиш;

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва туман ҳокимлиги Регламенти талаблари бузилган ҳолда тушадиган ҳужжатларни қайтариш.

Туман ҳокими ўринбосарининг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари ва топшириқлари унинг томонидан бегиланган муддатларда бажарилиши керак.

Туман ҳокими ўринбосарининг ўзи бошқарадиган масалалар бўйича бўлим, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига топшириқлари белгиланган тартибда бажарилиши мажбурийдир.

Туман ҳокими ўринбосари:

зиммасига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;

ўзи мутасаддилик қиладиган ташкилотларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиши ва назорат қилиниши, Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича мажмуаси юритувига кирадиган масалалар бўйича туман ҳокимлигига киритилган таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш;

Туман ҳокимлиги Регламентига мувофиқ тақдим этиладиган туман ҳокими

қарорлари лойиҳаларининг республика давлат манфаатларини, иқтисодий самарадорлигини назарда тутиб ва улардаги масалаларни барча манфаатдор тузилмалар билан боғланган ҳолда пухта экспертизадан ўтказилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ҳукумат қарорлари ва фармойишларининг, вилоят ҳокими қарорлари ва фармойишларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари - Республика Хотин-қизлар Қўмитаси раиси ва вилоят ҳокимлиги ҳамда туман ҳокими топшириқларининг мутасаддилик қилишадиган ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида" 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилиши учун жавоб беради.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қбул қилади.

Туман ҳокими ўринбосари фаолиятини ташкил этиш

Туман ҳокими ўринбосарининг ишлари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, туман ҳокимлиги Регламентига, тасдиқланган Низомга, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари-Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимлиги ва Туман ҳокимининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек шахсий иш режаси ва вилоят ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича мажмуаси иш режаси асосида ташкил этилади.

Туман ҳокими ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат қарорларининг, туман ҳокими қарорлари ва фармойишларининг мутасаддилик қилинадиган ташкилотларда амалга оширилиши тизимли мониторингини таъминлаш бўйича фаолияти Туман ҳокимининг топшириқларига мувофиқ комплекс ўрганишларни ўтказиш, йўли билан вилоят ҳокимлигининг ҳар чорак якунига кўра ўтказиладиган йиғилишлари, туман ҳокимлигининг Оила оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари, бўйича мажмуаси йиғилишларида ҳисоботларни эшитган ҳолда ташкил этилади.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

- туман ҳокимлари ўринбосарлари - хотин-қизлар қўмиталари;
- “Соғлом авлод учун” жамғармасининг Паркент туман бўлими;
- Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Паркент туман ташкилоти;
- “Оила маслахат маркази” Паркент туман бўлими;

-“Тадбиркор аёл” Паркент туман бўлими;

Қуйдагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Зулфия номидаги Давлат мукофотига тақдим этиш комиссияси;
- Туманда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш бўйича комиссияси;
- Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ҳамда маънавий баркамол авлодни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича комиссияси.

